
Мақола 2017 йил 11 декабрда қабул қилинди, 2018 йил 29 январда эълон қилинди.

**ФАН ДОКТОРИ (DSc) ВА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ
Ижтимоий-гуманитар фанлар
Хулоса ва тавсиялар**

Февраль

* * *

**ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРОВ НАУК (DSc) И
ДОКТОРОВ ФИЛОСОФИИ (PhD)
Общественно-гуманитарные науки
Выводы и рекомендации**

Февраль

Ташкент - 2018

Тақдим этилаётган тўпламда С.У.Умурзаковнинг "Ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимлари фаолиятини оптимал ташкил қилиш жараёнларини такомиллаштириш", С.Е.Қурбанбаевнинг "Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усулларини такомиллаштириш", У.У.Иноятовнинг "Ҳудудий тадбиркорлик фаолиятининг статистик усуллардаги таҳлили (Тошкент вилояти мисолида)", И.И.Рахимованинг "Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятлари", Д.О.Атаханованинг "Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг касалланиш даражасига ташқи муҳит ифлосланишининг таъсирини гигиеник баҳолаш", М.А.Маматовнинг "Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти", Д.С.Алматованинг "Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш", К.М.Реймовнинг "Энергия тизимлари электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқариш", У.У.Пардаевнинг "Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиятини такомиллаштириш", Ф.Х.Ахмедовнинг "Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатишини такомиллаштириш", М.Л.Саипованинг "Педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва коррекция қилишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш", С.У.Меҳмоновнинг "Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш", Н.Б.Ашурованинг "Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш", Г.А.Абдилакимовнинг "Халқаро автомобиль транспорти ва коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш". Сарлавҳа ва матнда муаллифлар стилистикаси сақланган.

* * *

В предлагаемом сборнике представлены заключения диссертаций С.У.Умурзакова "Совершенствование процессов оптимальной организации функционирования интегрированных информационных систем органов казначейства", С.Е.Курбанбаева "Совершенствование методов эффективного управления водными ресурсами в дельте реки Амударьи", У.У.Иноятова "Анализ статистических методов деятельности регионального предпринимательства" (на примере Ташкентской области), И.И.Рахимовой "Психологические особенности зависимости от компьютерных игр", Д.О.Атахановой "Гигиеническая оценка загрязнения окружающей среды и его влияние на уровни заболеваемости населения Республики Каракалпакстан", М.А.Маматова "Историко-философская сущность суфийского учения", Д.С.Алматовой "Совершенствование механизмов привлечения инвестиций для активизации региональной предпринимательской деятельности", К.М.Реймова "Оптимальное управление нагрузками электропотребителей энергосистем", У.У.Пардаева "Совершенствование методологии прогнозирования государственного бюджета", Ф.Х.Ахмедова "Совершенствование обслуживания внешнеторговой деятельности коммерческими банками в Узбекистане", М.Л.Саиповой "Совершенствование научно-методических возможностей диагностики и коррекции склонности педагогов к макиавеллизму", С.У.Меҳмонова "Совершенствование методологии бухгалтерского учета и внутреннего аудита в бюджетных организациях". В названии и тексте сохранена стилистика авторов.

Умурзаков Сардор Уктамовичнинг
"Ғазначилик органларининг интеграллашган ахборот тизимлари
фаолиятини оптимал ташкил қилиш жараёнларини
такомиллаштириш" мавзуидаги
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(08.00.14 - Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар тақдим этилди:

1. Давлат бюджетининг ғазна ижро тизими бутун жаҳонда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Ушбу диссертация ишида ягона тармоқ бўйсунувидаги корхоналар ва ташкилотларни бюджетдан молиялашни амалга оширувчи республика ғазначилик органлари иқтисодий-ахборот муҳити ўрганилди, молиявий-иқтисодий ахборотларга кўп поғонали тақсимотли ишлов бериш тизимини яратиш ва амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб берилди.

2. Таъкидлаш лозимки, собиқ тузумдан Ўзбекистон Республикасига давлат молиясини бошқаришнинг тўловларни қоғоз ҳужжатлари асосида ўтказиш почта тизимига асосланган технологик жиҳатдан қолоқ ва ўта самарасиз тизими мерос бўлиб қолган эди. Фақат 2006 йилга келиб республикамизда маълумотларни марказлаштириш ва бирлаштиришнинг юқори даражасига эга замонавий тизим жорий этилди. Иқтисодий муносабатлар субъектлари ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлиги ягона миллий банк тўлов тизимининг барпо этилиши ҳисобидан оширилди, бу эса, ўз навбатида, операцияларни амалга ошириш муддатини сезиларли даражада тезлаштирди, бюджет даромадлари тушуми ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқларини бир кунгача кечикиш билан олиш имконини берди.

3. ФИАТ жорий этилиши ва ғазначилик операциялари маълумотларини қайта ишлаш ва сақлашнинг марказлашган тизими барпо этилиши туфайли, минтақалар бўйича ва, ҳатто, узоқда жойлашган ҳар бир бюджет ташкилоти бўйича бюджет ижросининг дастлабки назорати ва таҳлилини ташкил этиш имконияти пайдо бўлди, буни илгари фақат ҳисобот давридан кейин амалга ошириш мумкин эди.

4. Ўтказган тадқиқотимиз асосида шуни таъкидлаш мумкинки, интеграллашган ахборот тизими туфайли ғазначилик органларида бир кун мобайнида ишлов бериладиган маълумотлар ҳажми сезиларли даражада ошди. Шундан келиб чиққан ҳолда, барча даражадаги бюджетлар ижросига касса хизматлари кўрсатиш функциялари қисмлари автоматлаштири-лишидан ушбу функцияларни тўлиқ автоматлаштириш масаласини умумий аспектда комплекс тарзда ҳал этишга ўтиш ҳамда ягона ахборот марказини ташкил этишнинг фурсати етди.

5. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ғазначилик органлари фаолиятидаги муҳим таркибий қисм - бу, республика ғазначилиги функцияларини бажариш технологик регламентлар тизими ва ушбу регламентлар бўйича ролларнинг бюджетлар ижросига касса хизмати кўрсатиш масалаларини ҳал этиш учун шахсан жавобгар муайян ходимларга бириктирилиши. Бизнинг назаримизда, айнан ушбу жиҳат

автоматлаштириш самарадорлигини таъминлаши мумкин, ишончимиз комилки, қандайдир масалалар ва функцияларни ҳал этишдаги чалкашлик (тартибсизлик) автоматлаштириш самарадорлиги вазифаларини амалга оширишга ёрдам бермайди.

6. Тадқиқот жараёнида, молиявий-иқтисодий ахборотларга кўп поғонали тақсимотли ишлов бериш тизимини лойиҳалаштириш методикаси ишлаб чиқилди, унга кўра, моделлар ва алгоритмлар тузилди, бу тармоқ топологиясини аниқлаш, ҳисоблаш ишлари ва ахборот массивини ишлов бериш даражалари ва тармоқ узели бўйича тақсимлаш имконини берди. Бу мамлакат газначилиги органларининг молиявий маълумотларига тақсимотли ишлов беришнинг мақбул тарзда ташкил этилишини таъминлайди.

7. Мамлакат бюджети газна ижроси шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишда молиявий-иқтисодий ахборотларга кўп поғонали тақсимотли ишлов бериш тизимини ахборот моделлаштиришга эътибор қаратган ҳолда республика газначилиги органлари ахборот муҳитининг концептуал модели тузилди, бу эса, мазкур тизимнинг ахборот муҳити билан ўзаро ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда унинг ишлашининг реал жараёнларини мос тарзда акс эттиришга ёрдам берди.

8. Интеграллашган ахборот тизимининг жорий этилиши туфайли, бюджет ҳисобини юритиш ва бюджет операциялари бўйича ҳисоботлар қисмида ишнинг самарадорлиги сезиларли даражада оширилди, республика газначилик бошқармасида бюджет ҳисобининг марказлаштирилиши туфайли республика бюджети ижроси ва мамлакат субъекти бюджетларига касса хизмати кўрсатиш бўйича операцияларнинг бюджет ҳисобини юритиш билан боғлиқ меҳнат сарфлари қисқарди.

9. Мамлакатимиз электрон ҳукумати концепцияси доирасида газначиликнинг автоматлаштирилган интеграллашган ахборот тизими давлат ахборот тизимини яратиш учун ядрога айланиши керак, чунки унинг салоҳияти, сақланаётган маълумотлар ҳажми, долзарблиги, шунингдек, республика газначилик тизимида яратилган ахборот инфратузилмаси ФИАТ қўлланишини сезиларли даражада кенгайтириш давлат молиясини бошқариш тизимининг асоси сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

10. Мавзунинг чуқур ва пухта ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, давлат бюджети газна ижроси тизимининг жорий этилиши республикамиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатди, шу муносабат билан жараёнларнинг ўзгарганлиги, мажбуриятлар тақсимланганлиги ҳамда вертикал назоратнинг шаффоф тизими яратилганлигини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджетини ижро этиш тизимининг ишлаш принциплари тубдан қайта кўриб чиқилди. Шу билан бир қаторда, ФИАТнинг жорий этилиши республикамизнинг барча вилоят, туман марказларида оптик толали кабелни ўтказиш зарурати туфайли мамлакатимизда АКТнинг янада ривожланиши учун хизмат қилади.

Қурбанбаев Сагит Ережеповичнинг
"Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш
усулларини такомиллаштириш"
мавзуидаги
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(11.00.03 - Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

"Амударё дельтасида сув ресурсларини самарали бошқариш усулларини такомиллаштириш" мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Амударё дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган сув ресурсларини самарали бошқариш усуллари ва сув ресурсларини бошқариш гидрологик модели натижалари асосида:

- биринчи босқичда юқорида кўрсатилган учта сув ҳавзалари дамбаларининг бугунги кунги аҳволи, каналлар ва гидротехник иншоотларнинг сув ўтказувчанлик қобилияти ҳисобга олган ҳолда, улар фақат 619,0 млн. м³ га тенг сув хажмини ўз ичига сиғдириш имконига эгаллиги, Саманбой гидростии орқали ўтган ортиқча дарё суви эса денгизнинг қуриб кетган тагига ташланмоқдагиллиги аниқланди;

- иккинчи босқичда ушбу сув ҳавзалари дамбаларида ва Главмясо и Маринкинузьяк каналларида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари тугагандан кейин, яъни лойиҳавий кўрсаткичларга етказилганда, сув ҳавзаларининг ўз ичига сувни сиғдира олиш қобилиятини 1169,5 млн. м³ га ошириш мумкинлиги аниқланди. Натижада дельтадаги сув ҳавзаларда ўз ичига 550,0 млн. м³ га тенг қушимча сув хажмини сақлаб қолиш имконини беради.

2. Сув ресурсларини бошқариш гидрологик модель натижаларига кўра, серсув йиллари (2010й.) Междуречие сув омборига Саманбой гидростии орқали келиб тушадиган 16817 млн. м³ хажмга тенг умумий сув хажмидан (буғланиш, ёғин-сочин миқдори, шимилиш ва узанда сув йўқотилиши кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда) фойдали сув хажми қиймати 619,0 млн. м³ ни, ортиқча қайтмас сув хажми қиймати 12102,2 млн. м³ ни (Междуречие сув омборининг шимолий дамбасини очиш ва сувни денгизнинг қуриб кетган тагига оқизиш) ташкил қилганлиги аниқланди. Натижада сув ҳавзаларидаги сув хажми қийматини кўпайтиришга имкон беради.

3. Ҳисоб-китобларга кўра, белгилаб олинган тадбирлар амалга оширилгандан кейин (дамба ва каналлар реконструкцияси) сув ҳавзаларнинг (Междуречие, Рибачье и Муйноқ) ўз ичига максимал сиғдириш хажми 879,3 млн. м³ га ташкил қилганлиги аниқланди. Натижада минтақадаги яшовчи аҳоли узлуксиз равишда ичимлик ва хўжалик учун зарур чучук сув билан таъминланишига имкон яратилади.

4. Дельтанинг Чап ва Ўнг қирғоқ зоналардаги коллектор сувлари (минераллашуви литрга 6 граммгача бўлган КК-3, КС-1 и ККС коллекторлари) билан озиқланувчи сув ҳавзалари сувларнинг минерализацияси йил сайин ошиб бориши, сув сифати ёмонлашиши ва унумдорлиги эса пасайиб бориши кўп йиллик маълумотлар

асосида таҳлили қилинди ва бу сув ҳавзалардаги кўрсаткичларни тиклаш мақсадида даврий равишда, асосан новегетация даврида дарё ва каналлардан чучук сув билан таъминлаш лозимлиги аниқланди. Натижада уларнинг келгусида бундан буён самарали ўзлаштирилишига имкон яратди.

5. Тадқиқотчи томонидан сув ресурслари бошқарув тизимини ва эксплуатациясини такомиллаштириш ва дельтанинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларини тиклаш функцияларини ўз ичига олувчи янги ташкилот тузиш таклиф қилинган. Ҳозирги кунда дельтада фаолият олиб борётган ҳар бир соҳа бевосита ўз ишлари билан шуғулланади ва улар ҳар ҳил вазирлик ва муассасаларга буйсинади. Шундай қилиб, табиий-хўжалик комплексни бошқарувчи ягона тизим мавжуд эмас ва улар орасида боғлиқлик йўқ, ва бу охир-оқибатта табиий ресурслардан номувофиқ фойдаланилишига ва камайишига олиб келмоқда. Натижада мазкур ташкилот дельтадаги табиий-хўжалик комплексни бошқарувчи ягона тизим сифатида сув ресурсларини самарали бошқариш имконини очиб беради.

6. Амударё дарёси дельтасини бундан буён ўзлаштиришнинг устуворлиги асосида районлаштирилди, ҳар сув ҳавзасининг муҳимлигини асосида уларга сув бериш навбати ишлаб чиқилди, шунингдек сув ҳавзаларнинг бутунги ва келгусидаги самарадорлиги баҳоланиб, улар асосида учта зонага тақсимланди:

- дельтанинг Амударё бўйи зонаси (Междуречие, Рибачие и Муйноқ сув ҳавзалари) сув бундан буён ўзлаштиришга устувор зонаси сифатида баҳоланди.

- дельтанинг Ўнг қирғоқ зонаси (Жилтирбас, Каратен сув ҳавзалари) чучук дарё суви берилмаса истиқболсиз зона деб ҳисобланади.

- коллектор сувлари билан озиқланувчи деотанинг Чап қирғоқ зонаси ҳам (Судочье, Агушпа, Каратерен кўллар тизими), чучук дарё суви берилмаса истиқболсиз зоналар ҳисобланади.

7. Хулоса қилиб айтганда, Амударё бўйи зонасида (Междуречие, Рибачие и Муйноқ сув ҳавзалари) сув ҳавзаларда келажакда яхши ҳолатни сақлаб қолиш имкониятга эга, қолган коллектор сувларидан озиқланувчи сув ҳавзаларида йил сайин сувнинг сифати ёмонлашмоқда ва улар яқин 15-20 йилларда дарё суви билан таъминланмаса ўзининг халқ-хўжалик аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, кўриб чиқиладиган сув бериш навбати, шунингдек Амударё дельта комплексининг гидравлик кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган сув ресурсларини бошқариш усуллари ушбу сув ҳавзаларнинг керакли ҳажм ва сифат даражасидаги сув билан узлуксиз таъминланишига имкон яратади.

Иноятов Умидбек Улуғбековичнинг
"Худудий тадбиркорлик фаолиятининг статистик
усуллардаги таҳлили
(Тошкент вилояти мисолида)"
мавзуидаги
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(08.00.06. - Эконометрика ва статистика)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Вилоят ЯХМ ва хизматлар соҳаси ўртасида юқори корреляцион боғлиқликка (0,98) эга эканлиги аниқланди. Шунингдек, хизматлар ҳажмининг ошиши вилоятда фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонига ижобий таъсир кўрсатиши, хизматлар ҳажмидаги бир фоиз ўсиш кичик корхона ва микрофирмалар сони 0,25 фоизга ошишини таъминлайди.

2. Худудий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи статистик моделларини ишлаб чиқишда тизимий ёндашувдан фойдаланиш зарур. Унинг таркибини худудий муаммолари бўйича турли (туман, тармоқ ва тадбиркорлик шакли) кесимларда статистик таҳлил этиш, фаолият самарадорлигини баҳолаш ҳамда истиқболли устувор йўналишларни асослаш бўйича статистик услубиятни танлаш, статистик моделларни қўллаш тартибини белгилаш ташкил этади. Бунда худудий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини акс эттириш ва тартибга солишда қўлланиладиган алгоритм (статистик таснифлаш, оптимал гуруҳлаш, самарадорликни статистик баҳолаш, кўп вариантли босқичма-босқич прогнозлаш)лар мажмуи ҳамда кўп омилли регрессия моделлари муҳим ўрин тутди.

3. Худудий тадбиркорлик субъектларининг барқарор ривожланишини таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш зарур: худудий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш самарадорлигини интенсив омиллар, ишлаб чиқаришнинг илғор шакллари ҳисобига ошириш; худудий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида йирик миллий ва хорижий компанияларнинг бўлимлари, филиалларини жойлаштириш; туман ва шаҳарларда худудий тадбиркорлик фаолиятини истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтириш; туман ва шаҳарлар ўртасида худудий тадбиркорлик субъектлари ривожланишидаги фарқларни камайтириш ва ҳ.к.

4. Истиқболда вилоят саноатини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий омилларига эътибор қаратиш зарур: мақсадли дастурларни амалга ошириш; енгил саноат соҳасида янги корхоналар барпо этиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги корхоналар ташкил этиш ҳамда бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш; халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш; қурилиш материаллари индустриясини ривож-лантириш; тармоқда қўшма корхоналарнинг улушини ошириш; маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш; ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт кўламини кенгайтириш ва бошқалар.

5. Қишлоқ хўжалиги ҳудудий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Тармоқда яратилган ялпи маҳсулотнинг 94,9 фоизи КБХТ субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Тармоқнинг салоҳиятини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳудудий тадбиркорлик ривожланишидаги янги йўналиш сифатида қаралади.

6. Вилоятда КБХТнинг ривожланишига асосий таъсир қилувчи тармоқлар қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш эканлиги аниқланди. Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, мазкур тармоқларда КБХТ ривожланиш тенденциясининг кузатилиши 2020 йилда ЯҲМда КБХТ улушининг 62,3 фоиз ҳамда соҳанинг бандликдаги салмоғининг 78,9 фоизга етишини таъминлайди.

7. Тадқиқот ишида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини статистик прогнозлаш услубиётини такомиллаштириш мақсадида вилоят макроиқтисодий кўрсаткичларни прогноз қилиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этилиши зарурлиги кўрсатиб берилди. Булар ҳудуднинг ривожланиш мақсадлари, вариантлари ва параметрларининг илмий асосланишининг зарурлиги, жараёнга объектив таъсир кўрсатадиган ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини ҳисобга олиниши кераклиги, товарлар ва хизматлар бозори, меҳнат бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори, капитал ва молия бозорининг истиқболли ривожланиш хусусиятларини гуруҳларга ажратилиши ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратилиши ва ҳ.к.

Рахимова Индира Игорьевнанинг
"Компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик хусусиятлари"
мавзуидаги психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(19.00.06 - Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Компьютер ўйинларига тобелик муаммосига тааллуқли назарий маълумотларнинг таҳлили ва эмпирик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш ўринли, деб ҳисоблаймиз:

1. "Одам-компьютер" муносабатлари тизимида хос хусусиятларни ўрганишда, энг умумий равишда ҳамда икки асосий ёндашув, яъни компьютерга фаолият воситаси сифатида қарашга асосланган ва компьютерни ҳамкорликдаги фаолиятда шерик ўрнида қабул қилишга асосланган ёндашувлар ажратилиб, компьютерга тобелик замонавий тиббий ва психологик тадқиқотларда ноқимёвий аддикциянинг турларидан бири сифатида кўрилиши аниқланди.

2. Компьютерга тобеликни ўрганишда мазмун жиҳатидан икки асосий ёндашув - компьютерга тобелик таъсирида вужудга келувчи жисмоний ва психик бузилишларни ҳамда компьютерга тобеликнинг ривожланишига замин яратувчи тиббий-психологик омилларни аниқлашга қаратилган ёндашувлар ажратилиб, компьютер ўйинларига тобелик психопрофилактикаси ва психокоррекцияси нуқтаи назаридан аддиктларга хос психологик хусусиятларни ўрганиш йўналишидаги тадқиқотлар истиқболи юқорироқ баҳоланиши ўринлидир. Мазкур истиқболли йўналишда ўтказилган

тадқиқотлар компьютер ўйинларига тобе шахс психологиясининг умумий чизгиларини аниқлаш имконини берса ҳам, аммо улар ёшга оид хусусиятлар нуқтаи назаридан ҳозиргача дифференциация қилинмаганлиги аниқланди.

3. Эмпирик тадқиқот натижаларига кўра, компьютер ўйинлари ўқув кўникмаларни ўзлаштириш учун шароитни яратади, ақлий соҳа ривожланиши учун озуқа беради. Билиш фаоллигини рағбатлантиради. Шунингдек, мотивацион соҳани ривожлантиради ва ўзлигини қабул қилиш ҳамда ўзини ҳурмат қилиш кабиларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ тенгдошлари, ўқитувчи ва ота-оналар билан мулоқотга киришишдаги қийинчиликларнинг мавжудлиги шароитида кичик мактаб ёшидаги болада компьютер ўйинларига тобелик шаклланади. Компьютер ўйинлари кичик мактаб ёшидагиларнинг ижтимоий мувофиқлик, салоҳият ҳамда қарорларни мустақил қабул қилиш каби етакчи эҳтиёжларини қондиришнинг компенсатор имконияти ҳамда воситасига айланиб бориши аниқланди.

Барча асослар бўлгани сабабли кичик мактаб ёши (10-11 ёш) компьютер ўйинларига психологик тобелик шаклланиши учун сензитив давр бўлиб ҳисобланади.

4. Ўсмир ёшида компьютер ўйинларига тобелик ўйин жараёнига боғлиқ равишда намоён бўлади. Ўйин муҳити ва уни ташкил этиш имконияти мулоқот ҳамда ўз тенгдошлари билан ўзаро муносабатга киришишга нисбатан етакчи эҳтиёжнинг қондирилиши учун қулайроқ восита сифатида хизмат қилади. Катталарнинг ижтимоий муносабатлари акс этган ўйинларда ўсмир хулқ-атвор тарзини ўзлаштириш ҳамда бу билан катталар муносабати оламига "қўшилиш" имконига эга бўлади. Шу сабаб бинобарин бола жамоа билан ўйнашни маъқул кўрар экан, унинг ёрдамида у муайян мавқени эгаллайди. Компьютер технологияларидан фойдаланиш имконияти муайян моддий шароитга эга бўлган тақдирдагина эҳтимолийдир. Болалар ҳам гуруҳ билан бирга ўзаро муносабатга киришган ҳолда ўйин ўйнашни маъқул кўрадилар. Ўсмир ёшидаги қизлар гендер хусусиятлар билан боғлиқ ўйинларни маъқул кўрсалар, ўсмир ёшидаги ўғил болалар ҳам маскулин белгилар яққол ифодаланган ўйинларни ўйнашни маъқул кўришлари аниқланди.

5. Инсон индивидуал-психологик хусусиятлари боғлиқ равишда айрим компьютер ўйинлари дастлаб қисқа муддатли ижобий ўзгаришларга олиб келади. Аммо мунтазам бир типдаги ўйинлар билан бошқа ҳаётий эҳтиёжларни инкор этган ҳолда банд бўлиш якунида психологик тобеликни келтириб чиқариб, ҳатто оғир соматик бузилишларга сабаб бўлиши мумкин.

6. Диагностик тадқиқотларга асосланган ҳолда компьютер ўйинларига тобе болалар учун психокоррекцион тадбирлар мажмуасига асосланиб, коррекцион дастур ишлаб чиқилди. Ёш хусусиятларини ҳисобга олиш коррекцион иши боланинг ижтимоий муҳитга кириб бориш имкониятлари кенгайишига ёрдам берди. Ўтказилган коррекцион тадқиқотлар тобе болаларда коммуникатив кўникмалари, мотивацион соҳаси, ўқув мотивлари ва ўз мавқеига бўлган муносабат бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берганини кўрсатди.

7. Компьютер ўйинларига тобеликни коррекция қилишда психологик тренинг ўқитувчи билан ҳамкорликда олиб борилса, гуруҳ билан ўзаро таъсирга ўргатиш, ўқитувчининг тарбиявий ва коммуникатив кўникмаларини кенгайтириш ҳамда болаларда компьютер ўйинларига тобеликни бартараф қилиш имконияти ривожланишига ёрдам беради.

Атаханова Дилбар Орынбаевнанинг
"Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг касалланиш
даражасига ташқи муҳит ифлосланишининг таъсирини
гигиеник баҳолаш" мавзuidaги тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
(14.00.07 - Гигиена)
(14.00.30 - Эпидемиология)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

1. Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд бўлган экологик-гигиеник шароитда ҳозирги даврда аксарият шаҳар ва туманлардаги атроф-муҳит ифлосланиши даражаси анча юқори бўлиб, катталар, айниқса, болалар учун хавф омили бўлиб қолмоқда. Ўрганилаётган даврда бутун ҚР атмосфера ҳавоси ностандарт намуналари улуши баъзи йилларда 9,3-11,4% даражасида барқарорлашган, айти вақтда шаҳарларда (11,6+0,4%) қишлоқ жойлардагига нисбатан юқорироқ (5 йил учун ўртача 8,1+0,7), бу эса ҳаво муҳитини ифлослантирувчи ингредиентлар (чанг, газ, пестицидлар)нинг миқдори билан боғлиқ. ҚРдаги катта ёшдаги аҳоли ва болаларда нафас аъзолари касалликлари пайдо бўлишининг асосий хавф омили атмосфера ҳавосининг таркибида зарарли кимёвий элементлар ва бирикмалар тутувчи чанг билан ифлосланиши, ностандарт намуналар улушида чанг миқдорининг (шаҳарларда - 10,57+2,28% ва қишлоқларда - 17,48+5,15%) юқорилигидадир.

2. ҚР аҳолиси фойдаланадиган водопровод сувининг кимёвий кўрсаткичлар бўйича ностандарт намуналари улушининг юқорилиги, 1 ва 2 тоифали ер усти сув ҳавзалари ва қудуқ сувининг микробиологик кўрсаткичлари ёмонлашуви аҳоли саломатлиги учун, жумладан бирламчи умумий касалланишлар, болалар ўлими, буйрак ва сийдик йўллари касалликлари, туғма нуқсонлар, онкологик касалликлар (қизилўнгач саратони ҚРда биринчи ўринда) қон касалликлари келтириб чиқарувчи хавф омиллари орасида етакчи эпидемиологик хавф омилдир. ҚРдаги сийдик-тош касалликлари билан касалланишлар кўрсаткичлари ва ичимлик сувининг кимёвий ифлосланганлиги орасидаги ишончли бевосита корреляцион алоқа исботланди, ҚРнинг шимолий ва марказий ҳудудларидаги буйрак тоши ва сийдик-тош касалликлари ичимлик сувининг ифлосланганлиги билан, жанубий ҳудудларида эса очиқ сув ҳавзаларининг ифлосланганлиги билан боғлиқ.

3. ҚР аҳолиси истеъмол қиладиган баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ифлосланиш даражасини ўрганилганда озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидлар ва заҳарли металлар (симоб, қўрғошин, кадмий ва бошқалар) аниқланмаган. Картошка, сабзавотлар ва полиз маҳсулотларидаги нитратлар миқдори юқори бўлган. Озиқ-овқат маҳсулотларидан болалар овқатлари (2009 йилда 14,7%), балиқ маҳсулотлари (2010 йилда 7,25%), гўшт, парранда гўшти ва тухум (2009 йилда 7,21%), сут маҳсулотлари (2010 йилда 6,0%) ва ичимликлар (2008 йилда 5,59%) кабиларда юқори микробиологик ифлосланишлар аниқланган.

4. Қорақалпоғистоннинг илмий тажриба ўтказилган 4 туманидаги оналар кўкрак сути намуналарида мис - 62%, рух - 76,5%, ДДТ - 3,0% ва ГХЦГ- 2,0% каби токсикант ва пестицидлар аниқланган бўлиб, улар яқин ўтмишда ушбу

худудлардаги аҳоли истеъмол қилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа атроф-муҳит объектлари юқори даражада кимёвий ифлосланганлигини кўрсатади. Ушбу ифлосланишлар аҳоли бирламчи умумий касалланишлар, болалар ўлими, буйрак ва сийдик йўллари касалликлари, туғма нуқсонлар, онкологик ва қон касалликлари келтириб чиқарувчи эпидемиологик хавф омилларидир.

5. ҚР қишлоқ аҳолиси организмига пестицидлар кўп тушгани боис ҳам ТН бўйича хавф гуруҳига киради, чунки туғма нуқсонлар (ТН) кўрсат-кичлари ва ташқи муҳит объектларининг пестицидлар билан ифлосланганлиги орасидаги ишончли ўртача тўғри корреляцион алоқа аниқланди ($r_{xy}=0,41$; $m_{r}=0,074$). Туғма нуқсонлар кўпайишида ташқи муҳит объект-ларининг пестицидлар билан ифлосланганлиги эпидемиологик хавф омили эканлигини исботлайди.

6. ҚРда 2001-2015 йиллардаги диарея касалликлари даражаси дина-микаси ва ҚР очик сув ҳавзаларининг бактериал ифлосланиши орасида ўртача корреляцион боғланишлар Мўйноқ, Қўнғирот, Кегайли, Тахтакўпир, Тахиатош, Нукус ва Эллиққалъа туманларида, кучли корреляцион боғла-нишлар Чимбой ва Қораўзак туманларида аниқланди. Диарея динамикаси ва қудуқ сувларининг бактериал ифлосланиши орасида ўртача корреляцион боғланишлар ҚР Чимбой, Қораўзак, Нукус, Беруний ва Амударё туманларида, ҳаққоний кучли корреляцион боғланишлар Нукус шаҳрида аниқланди. Диарея динамикаси ва водопровод сувларининг бактериал ифлос-ланиши орасида ўртача корреляцион боғланишлар шимолий, жанубий минтақалрда, Тахтакўпир, Қораўзак, Беруний ва Эллиққалъа туманларида, ҳаққоний кучли корреляцион боғланиш Тахиатош шаҳрида аниқланди.

7. Қорақалпоғистон Республикасида вирусли гепатит А касаллиги даражасига очик сув ҳавзаларининг бактериал ифлосланишлари билан боғлиқ эмаслиги, ушбу кўрсаткичлар орасида корреляцион боғланишлар ҳам йўқ эканлиги аниқланди.

8. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг сил билан касалланиши даражасига аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар таъсир қилаётгани, лекин ушбу сил касаллигининг юқишига атмосфера ҳавосининг чанг билан ифлосланиши бевосита таъсир этмаётгани, улар орасида корреляцион боғлиқлик йўқ эканлиги аниқланди.

Маматов Мамаджан Ахмаджановичнинг
"Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти"
мавзуидаги фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc)
(09.00.03 - Фалсафа тарихи)
(07.00.04 - Диншунослик)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

1. Тасаввуф ўз моҳияти билан диний-ирфоний ва ахлоқий фалсафий таълимот. Аллоҳ, олам, табиат, инсон тўғрисидаги онтологик масалалар тасаввуф таълимотидаги бош муаммо, гоё сифатида қабул қилинган унинг фалсафий моҳиятини белгилайди. У Аллоҳни ва унинг яратикларини англашда рационал тафаккур билан бир қаторда иррационалистик тамойилларни ишлаб чиқди ва ижтимоий онгга сингдирилди;

2. Тасаввуф ўз даврининг фалсафий қарашлари билан қўшилиб, диний ҳурфикрлиликнинг кўринишларидан бири сифатида юзага чиққан;

3. Тасаввуф мусулмон жамоаларининг зарурий эҳтиёжларига жавоб бера олгани учун ислом мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ва маданиятнинг таркибий қисми сифатида тараққий этган;

4. Тасаввуф таълимотидаги муҳим мавзулардан бири инсон ва унинг имкониятлари тўғрисидаги қарашлардир. Ҳаққа эришиш ва баркамол инсон ҳақидаги қарашларни уйғунлаштириб у бетакрор ғояга айланган, комил инсонни шакллантиришнинг сўфиёна тамойиллари ишлаб чиқилган. Улар негизда баркамоллик тамойиллари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган;

5. Жаҳон фанининг сўнгги ютуқлари, хусусан Синергетиканинг илмий тамойилларидан ваздий таълимот бўлган тасаввуфни ўрганишга жорий қилиниши фалсафанинг асосий масалаларига ёндашувнинг бири-бирига қарама-қарши бўлган материалистик ва идеалистик позицияларнинг яқинлашувига имкон яратилади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, синергетикадаги ўз-ўзидан ташкилланиш, ночизиклилик, аттрактор, бифуркация, флуктуация, диссипатив ҳолат, хаосдан пайдо бўлиб, тартибланиш ва яна унга қайтиш каби тамойиллар комил инсон шахсини тарбиялаш тизимида ҳам мавжуддир;

6. Тасаввуфнинг диний-ирфоний ва ахлоқий-фалсафий таълимот сифатида шаклланиши босқичларида турли хил диний оқимлар, қарашлар ва таълимотлар ўртасида ғоявий курашлар борган. Лекин Нақшбандия, Кубровия каби тариқатлар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топган, ислом дини билан бирга жаҳонда тобора кенг тарқалиб бормоқда;

7. Ислом оламида маънавий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида, Ўрта Шарқ Уйғониш даврининг қарор топишида Марказий Осиёдан чиққан мутафаккир сўфийлар ҳам катта роль ўйнадилар. Машҳур алломалар Ҳаким Термизий, Имом Ғаззолий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб донишмандлар ислом илмлари ва тасаввуф таълимотини юксакликка кўтарганлари тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни бутун дунё олимлари яқдиллик билан тан олдилар;

8. Ўзбекистон тарихида ўз вақтида ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаган мутафаккирлар, масалан, ўз даврида эл орасида шайхушшуюх (шайхлар шайхи) унвонини олган Муҳаммад Сайф Фарғоний ҳаёти ва ижодий мероси мусулмон оламида ўрта асрларда тасаввуф илми ривожига қўшган ҳиссалари илк бор ёритилган.

9. Тасаввуф ўзининг ижтимоий, маънавий-мафкуравий хусусияти билан диний ва этник бағрикенгликни ифодалагани учун бу таълимот ислом дини ғояларининг жаҳон халқлари орасида кенг ёйилишига ёрдам берди.

10. Турли тариқатлар фаолиятини объектив ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишларида расмий давлат ва диний идоралар ходимларини, ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ тизимлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, барча зиёли педагогларни бунга жалб қилиш лозим. Бунда эътиқод масалаларида адашган ёшлар билан индивидуал ишлаш усулини қўллаш, экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолган шахсларнинг фарзандлари жамиятда яққаланиб қолишига йўл қўймаслик, уларни ижтимоий ҳаётга ижтимоий фойдали иш фаолиятига, оммавий маданий-маърифий тадбирларда, маҳаллаларда тўй-маракаларда, спорт мусобақаларида иштирок этишларига эришиш тавсия этилади.

Алматова Дилоромхон Саидахроровнанинг
"Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга
инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш"
мавзудаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
(08.00.12 - Минтақавий иқтисодиёт)
(08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Тадқиқотда минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестицияларни жалб этишжараёнларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди:

1. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадлари ошиши, турмуш шароитини яхшиланиши аксарият ҳолатларда миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши сифатида миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини шакллантиришга эътибор қаратиши зарур.

2. Минтақа иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги имкониятларни ҳам очиб беради:

биринчидан, ички бозорда талабгор бўлган - импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни қуриш, янги иш ўринларини шакллантириш имконини беради;

иккинчидан, минтақада фаолият кўрсатаётган корхоналар ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва истиқболли ривожланишни таъминловчи омил - миллий корхоналарнинг хусусий капитал ҳажминини тўлдиради;

учинчидан, минтақа иқтисодиётида технологик янгиланиш амалга ошади ва маҳаллий саноат ишлаб чиқаришига янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади ва натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди;

тўртинчидан, минтақадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади;

бешинчидан, минтақа иқтисодиётида давлат аралашувини камайтириш, турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт шаклланиши ва ривожланиш имконини беради;

олтинчидан, миллий (минтақа) иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви амалга ошади.

3. Минтақаларда тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаоллигини ошириш инвестициялаш жараёнларининг ташкилий жиҳатларини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Минтақаларда инвестициялаш жараёнларининг ташкилий жиҳати - бу, молиявий ресурсларнинг тадбиркорлик субъектларига йўналтирилишини

тартибга солувчи ташкилий ва ҳуқуқий шакл ва механизмлардан иборат бўлиши лозим. Бунда йирик корхоналар иштирокида шакллантирилладиган тадбиркорлик субъектларини инвестицион фаолиятида қўлланиладиган механизмлар ва молиявий ресурсларни ҳам назарда тутиш зарур.

4. Тадқиқот ишида инвестициялар ҳажми, тузилмаси ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тадқиқ этилиб, таснифланди. Инвестициялар ҳажми, тузилмаси ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига корхонанинг молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш тузилмаси, унинг асосий капитал тузилмаси, асосий воситалар актив қисмидаги улуши, корхонанинг хўжалик юритиш шакли, ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик даражаси ва уларнинг сифати киритилди.

5. 2016 йил маълумотларига асосан, ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш ҳолати бўйича Тошкент ва Фарғона минтақалари мамлакатимизда пешқадам ҳисобланади. Маъмурий-ҳудудий бирликлар миқёсида тартиб бўйича Самарқанд, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг шаклланиш даражаси индекси нисбатан юқори. Бу ҳолат мазкур минтақаларда янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш жараёни, уларнинг ишлаб чиқариш, экспорт ва инвестиция фаолияти нисбатан фаоллигидан далолат беради. Шу сабабдан бу ҳудудларда ЯХМ яратилишида тадбиркорликнинг улуши сезиларли даражада юқори.

6. Минтақа даражасида тадбиркорлик фаолиятини тараққий топтириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инвестицияларнинг таъсири қуйидагиларда ўз аксини топади: янги замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида юқори харажатли, сифати нисбатан паст маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эскирган воситалардан воз кечиш имконияти туғилади ва истиқболли инновацияларни жорий қилиш имкони яратилади. Шунингдек, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва уларни экспорт қилиш эвазига валюта тушумлари барқарорлиги таъминланади.

7. Ишлаб чиқариш тизимига янгиликни жорий этиш (инновацион ривожланиш) мақсад ва вазифалари турлича бўлган минтақаларда инновацион фаолиятни молиялаштириш жараёнлари бир хилда кечмайди. Ҳар бир минтақада инновацион фаолият самарали ривожланиши учун молиявий таъминотнинг эластиклик механизмидан фойдаланиш, бунда инновация соҳаларининг инвестиция эҳтиёжлари ва инвестицион салоҳиятини ҳисобга олиш лозим.

8. Тадқиқот ишида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги рискларни баҳолаш бир неча босқични қамраб олади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда риск ҳар бир босқич бўйича алоҳида баҳоланиб, кейин умумлаштирилиб, лойиҳа доирасида ялпи, жамланган умумий риск топилади. Одатда, ҳар бир лойиҳа қуйидаги уч босқичга бўлинади: тайёргарлик босқичи - лойиҳани амалга оширишни бошлаш учун керак бўлган барча ишлар мажмуини ўз ичига олади; қурилиш босқичи - керакли бино ва иншоотларни барпо этиш, асбоб-ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш; фаолият босқичи - лойиҳани тўлиқ қувватга олиб чиқиш ва фойда олиш. Барча ҳисоблашлар икки марта лойиҳани тузиш вақтида ва лойиҳанинг энг хавфли элементларини аниқлаб олгандан кейин бажарилади.

Иккинчи ҳисоблашдан сўнг риск даражасини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилади.

9. Тадқиқотда лойиҳа rischi, биринчи навбатда кам сонли, айниқса, хавфли бўлган омиллар билан боғлиқлиги аниқланди. Шу маънода, бизнес-режа тузишда аҳамиятга эга барча riskларнитанлаб ажратиб олиб, уларнинг таъсирини камайитиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

10. Йирик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиши нафақат маҳаллий маҳсулотлар самарадорлиги ва уларнинг нархлари арзонлашуви ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, балки йирик корхоналарнинг бўш турган қувватлари ва майдонлари ишга туширилиши кўшимча ишчи ўринлари яратилишига имкон беради. Ушбу интеграциялашув тадбиркорликнинг инвестицион фаоллиги ўсишига ҳамда иқтисодий фаолиятнинг инновацион турлари изчил ўзлаштирилишига кўмаклашиш элементи сифатида амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

11. Маҳаллий ҳокимиятнинг инновацияларни бошқаришга оид алоҳида функцияларни бажарувчи тармоқ ва функционал бўлимларидан ташқари, ушбу инновацияларни бошқариш ишига раҳбарлик қиладиган алоҳида органни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу орган бутун минтақада инновацион фаолиятни бошқариши, кенг кўламли функцияларни, жумладан, прогноз қилиш, режалаштириш, дастурлаштириш, молиялаштириш, рағбатлантириш, мониторинг қилиш, минтақадаги жамоат ташкилотлари, бизнес ва бошқа тузилмалар билан алоқа қилиш вазифаларини бажаради.

12. Тадқиқот натижаларига кўра, замонавий инновацион иқтисодиёт шароитида минтақаларда тадбиркорлик ва йирик субъектлар ўртасидаги ҳамкорликка имконият яратувчи энг муҳим омиллар қуйидагилар саналади:

" тадбиркорлик субъектларининг юксак даражада ихтисослашганлиги, шунингдек, инновацион фаоллиги, яъни, ҳар бир бозор сегментидаги рақобат уларни ўз инновацион фаолликларини оширишга мажбур қилиши;

" йирик фирмалар фаолиятида кичик инноватор фирмалардан фойдаланган ҳолда инновацион жараёнларни бошлашга бўлган интилиш;

" ҳамкорлик ва инновациялар борасида воситачилик қилувчи махсус институтлар, шунингдек, венчурли тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи самарали молия-кредит технологиялари мавжудлиги ва бошқалар;

" давлатнинг йирик бизнеснинг тадбиркорлик субъектлари билан ишлаб чиқариш ва ҳамкорлик бўйича барқарор алоқалари йўлга қўйилишини рағбатлантирувчи мақсадли чора-тадбирлари мавжудлиги.

Мазкур тамойиллар давлатнинг тадбиркорликдаги инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлаш стратегияси (мақсадли дастурлар, бюджет ва солиқ тизимини тартибга солиш чора-тадбирлар)да ўз ифодасини топиши лозим.

Реймов Камал Мамбеткаримовичнинг
"Энергия тизимлари электр истеъмолчиларининг
юкламаларини оптимал бошқариш"
мавзуидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)
(05.05.02 - Электротехника. Электр энергия станциялари,
тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Ушбу диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мавжуд ҳолатни тадқиқ қилиш асосида энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда ростланувчан электр истеъмолчиларнинг юкламаларини оптималлаштириш масаласининг математик модели ишлаб чиқилган. Натижада юкламаларни ростлаш шароитларида энергетика тизимининг оптимал режимини юқори аниқликда ифодалаш имкони яратилган.

2. Оптималлаштиришнинг градиент усули асосида энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини истеъмолчиларнинг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштириш алгоритми ва дастури яратилган. Натижада электр станциялари ва ростланувчан электр истеъмолчиларининг оптимал юкламаларини режим ва технологик чеклашларни эътиборга олиб аниқлаш ва бу орқали рухсат этилган соҳада энергетика тизимининг энг самарали иш режимини таъминлаш имкони яратилган.

3. Давлатлараро энергетик бирлашма таркибига кирувчи энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини режалаштиришда тизимлараро қувватлар оқимини оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган. Натижада тизимлараро электр узатиш линияларини орқали ўтувчи қувватларнинг ҳар иккала энергетика тизими учун оптимал бўлган қийматини аниқлаш имкони яратилган.

4. Бирламчи энергия ресурси захираси чекланган станцияларни ҳисобга олиш масаласини математик ифодаси ва ечиш алгоритми яратилган. Натижалар таркибида бирламчи энергия ресурси захираси чекланган станциялар мавжуд бўлган энергетика тизимларининг самарали иш режимларини аниқлаш ва таъминлаш имконини берган.

5. Тугунлар ҳақида дастлабки маълумотларнинг эҳтимолли характердалиги шароитларида энергетика тизимларининг режимларини тенгсизлик кўринишидаги оддий ва функционал чеклашларни ҳисобга олиб оптималлаштириш алгоритми таклиф этилган. Натижада истеъмолчи юкламалари эҳтимолли характерда бўлган шароитларда энергетика тизимининг қисқа муддатли режимларини тенгсизлик кўринишидаги чеклашларни ҳисобга олиб юқори аниқликда оптимал режалаштириш имкони яратилган.

6. Мавжуд алгоритмларни такомиллаштириш асосида энергетика тизимларининг қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариш орқали оптимал режалаштиришда тармоқ факторини ҳисобга олишнинг исроф нисбий ўсишини ҳисобий станцияли ва юкламали тугунларнинг қувватларига боғланишларидан фойдаланишга\ асосланган самарали алгоритми

и дастури ишлаб чиқилган. Натижада энергетика тизимларининг оптимал қисқа муддатли режимларини электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариш шароитларида тармоқ факторини ҳисобга олиб топиш имкони яратилган.

7. Тадқиқот натижалари "Ўзбекэнерго" АЖ Миллий диспетчерлик марказида Ўзбекистон энергетика тизимининг суткали режимини ростланувчан электр истеъмолчиларининг юкламаларини бошқариб оптимал режалаштиришда жорий қилинган. Илмий тадқиқот натижасида сутка давомида 63,6 тонна шартли ёқилғини тежаш имкони яратилган. Ростланувчан электр истеъмолчиларининг юкламаларини оптимал бошқариш масаласини математик модели ва ечиш алгоритмининг қўллашдан олинган умумий иқтисодий самарадорлик бир кварталга 146 млн сўмни ташкил этган.

Пардаев Умиджон Ураловичнинг
"Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиятини
такомиллаштириш"
мавзуидаги иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD)
(08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит)
диссертацияси
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиятини таснифлашда тадқиқот йўналишлари сифатида эндоген (мамлакатдаги сиёсий жараёнлар, давлат бюджети даромад ва харажатларига таъсир этувчи омиллар) ва экзоген (жаҳон бозорида маҳсулот конъюктураси ўзгариши, ташқи иқтисодий ва сиёсий муносабатлар) омилларга, давлатларнинг ривожланиш даражаларига (ривожланган, ривожланаётган, Европа Иттифоқи давлатлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти давлатлари ва б.) кўра прогнозлаштириш моделини танлаш ҳамда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

2. Давлат бюджетини прогнозлаштириш бу - давлат бюджети даромад ва харажатларининг ўзгариш тенденцияларини баҳолаб, уларга таъсир этувчи эндоген ва экзоген омилларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосда ишлаб чиқилган давлат бюджетининг истиқбол даврга мўлжалланган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдир.

3. Давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёнида давлат бюджети прогноз хатоликларини аниқлаш натижадорлигини баҳолаш прогнозлаштириш услубиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини юзага келтиради. Бунда давлат бюджети прогноз хатоликларини аниқлаш натижадорлигини баҳолаш деганда, давлат бюджети прогноз хатоликларининг йиллар давомида ўзгариш тенденцияларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосаларни шакллантириш жараёнидир. Давлат бюджети прогнозлаштириш хатоликлари деганда давлат бюджети даромад ва харажатлари ҳажмининг прогноз ва ижро кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ тушунилади.

4. Давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёнида турли йиллардаги эндоген ва экзоген кўрсаткичлар танлаб олиниши ҳамда мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги

ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш лозимлиги илмий асосланди. Бунда эндоген кўрсаткичлар сифатида: ялпи ички маҳсулотнинг миқдори ва унинг таркибий қисмлари (реал ва номинал нархларда), ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари (реал ва номинал кўрсаткичларда), аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми, аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад ва унинг ҳажми йиллик ўсиш суръатлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик даромад, жамғарма ва истеъмолнинг ўсиш суръатлари, ички инвестицияларнинг ва хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, импорт ва экспорт ҳажмининг ўсиш суръатлари, миллий валюта курсининг бошқа валюталар, биринчи навбатда, АҚШ доллари ва еврога нисбатан ўзгариш суръати, ишсизлик даражаси танлаб олиниши, экзоген кўрсаткичлар сифатида эса: ижтимоий, илм-фан ва техника тараққиёти, глобал иқтисодий, молиявий жараёнлар; халқаро миқёсдаги ихтисослашув ва меҳнат тақсимоли олиниши тақлиф этилди.

5. Давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёнини мувофиқлаш-тирувчи услубиётнинг ишлаб чиқилиши, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган прогнозлаштириш жараёни ва босқичларининг белгилаб олиниши ҳамда ҳар бир босқичда амалга оширилиши талаб этилган чора-тадбирлар тизимининг белгиланиши, келгусида мазкур прогнозлар ва режаларнинг бажарилиш ҳолатини баҳолаш, юзага келган ёки келиши мумкин бўлган яширин хусусиятга эга муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш йўналишлари бўйича тадбирларни амалга ошириш имкониятини беради. Мазкур жараённинг тахминий алгоритми муаллиф томонидан ишлаб чиқилиб, давлат бюджетини прогнозлаштириш жараёни уч босқичга ажратиб тадқиқ этилди. Ҳар бир босқич алоҳида тавсифланиб, мазкур босқичларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар кетма-кетликларининг ўзига хос хусусиятлари баён этилди.

6. Жисмоний шахслардан келиб тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат бюджети даромадларига жамлаш жараёнида транзит вазифасини бажариб келадиган банк ҳисобрақамларини ёпиш ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ давлат бюджети даромадлари бўйича Ягона ғазна ҳисобварағига йиғилиши давлат бюджети даромадлари прогнози ижросини таъминлашга хизмат қилади.

7. Давлат бюджетига жисмоний шахслар мулкларини (уй-жойларини) кадастр ҳужжатларидаги қиймати билан бозор нархи ўртасидаги тафовутларни тартибга солиш ҳамда мулк солиғи бўйича тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаштиришда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни мулкнинг инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрлардан кам бўлмаган миқдорни белгилаш ҳамда мазкур меъёрий қийматга асосланган ҳолда солиқни ҳисоблаш услубиётини такомиллаштиришни талаб этади.

8. Мулк инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаганда қўлланиладиган шартли суммаларни белгилашда аниқ услубиётнинг мавжуд эмаслиги, солиқ тушумларини тўғри прогноз қилишда ва солиқ тушумининг барқарорлигига салбий таъсир этмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида мулкнинг қийматининг энг кам меъёрларини жорий этиш ва уй-жой қиймати мавжуд бўлмаганда белгиланадиган шартли қийматни, мулкнинг бозорда талаб ва тақлиф қонунияти асосида шаклланган қийматига мутаносиб равишда ҳар йили қайта кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш илмий - назарий жиҳатдан асосланди.

9. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушум-ларни республика бюджетдаги умумдавлат солиқлари таркибидан маҳаллий бюджетнинг бириктирилган даромадлари таркибига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур амалиётнинг жорий этилиши 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш" устувор йўналишида белгиланган "харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш" вазифаси ижросини таъминлашга ҳамда ҳудудларнинг молиявий мустақиллигини оширишга, шунингдек, маҳаллий бошқарув ҳокимиятини янги иш-жойларни яратишга, аҳоли даромадларини оширишга ва прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлашга нисбатан бўлган рағбатини оширади.

10. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг ерларидан самарали фойдаланиш ҳамда ерларнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини қайта баҳолаш ва мос равишда ягона ер солиғи ставкасини пасайтириш зарурлиги илмий асосланган. Мазкур амалиётнинг жорий этилиши натижасида ерларнинг норматив қиймати ҳар йили аниқланиб, ушбу норматив қийматга асосланган ҳолда солиқни ҳисоблаш амалиёти жорий этилиши, ягона ер солиғининг сифат жиҳатдан аниқ прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ахмедов Фаррух Хуршидовичнинг
"Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат
кўрсатишини такомиллаштириш" мавзuidaги иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори (Phd)
(08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Диссертация тадқиқотини бажариш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётидаги таъминланмаган ҳужжатлаштирилган аккредитив ва ҳужжатли инкассо шаклидан кенг фойдаланишига имкон яратаётган жиҳатлар, яъни аккредитивларда тўловнинг тўлиқ кафолатланганлиги ва ҳужжатли инкассода товар ҳужжатлари тўлов амалга оширилгандан кейин берилиши тартибларининг Ўзбекистон тижорат банклари амалиётига татбиқ этилиши уларнинг ташқи савдога хизмат кўрсатиш фаолиятининг такомиллашувига имкон яратади.

2. Ривожланган мамлакатлар банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётида кенг қўлланилаётган аккредитивнинг стэнд-бай турини Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида жорий этилиши импортчиларнинг ҳисобрақамларидаги валюта маблағларидан самарали фойдаланишига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Хорижий банкларнинг "Востро" вакиллик ҳисобрақамларини Ўзбекистон тижорат банкларида очишнинг рағбатлантирилиши мамлакат банкларининг вакиллик муносабатларини ривожлантиришга ва уларнинг ликвидлилик даражасини ошишига олиб келади.

4. Республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли депозитларига тўланадиган фоизлари даражаси жуда паст бўлаётганлиги тижорат банкларининг хорижий валюталарда муддатли депозитларни жалб қилиш ҳамда ташқи савдони кредитлаш миқёсларининг кенгайишига тўсқинлик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хорижий валюталар бўйича мажбурий захира талабномасининг базавий ставкасини LIBORнинг йиллик ставкасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши қолган захира ставкалари даражасини ҳам пасайтириш имконини беради. Натижада тижорат банкларининг хорижий валюталарда муддатли депозитлар жалб қилиш имконияти кенгайди ва ташқи савдони кредитлаш учун берилаётган кредитлар ҳажми ошади.

6. Экспортчилар ва импортчиларга халқаро ҳисоб-китоб шакллари, жумладан, тўлов топшириқномалари, чеклар, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар, соф ва ҳужжатли инкассодан комплекс фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш натижасида экспортчи ва импортчи ўзаро келишган ҳолда халқаро ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади ҳамда олинадиган даромад миқдорини ошириш имкониятига эга бўлади.

7. Банклар томонидан ташқи савдони кредитлашда валюта захираларининг диверсификация даражасини ошириш юзага келадиган валюта риски даражасини пасайтириш имконини беради.

8. Ўзбекистон ташқи савдони молиялаштиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг оширилиши миллий валютадаги кредитлар миқдорининг пасайишига ва ташқи савдони молиялаштириш ҳажмининг ортишига, шунингдек, инфляция даражасининг ошиши эса, ташқи савдони молиялаштиришнинг камайишига олиб келади.

9. Ўзбекистон Республикаси банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётида форфейтинг кредитлаш шаклининг мавжуд эмаслиги мазкур амалиётга хос камчиликлардан бири ҳисобланиб, фикримизча, республика тижорат банкларининг кафолатига асосланган форфейтинг кредитлари беришнинг такомиллашган тартибини жорий қилиш экспортчилар ва импортчиларга тижорат банкларининг хизмат кўрсатишини кенгайтириш ҳамда уларнинг барқарор фаолият юритиш имконини беради.

10. Банклар томонидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш импортчиларга бериладиган кредитлар фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради:

хорижий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкалари билан хорижий валютадаги муддатли депозитларнинг фоиз ставкалари ўртасидаги фарқни халқаро банк амалиётида умумэйтироф этилган соф фоизли маржа коэффциентининг меъёрий даражасидан (4,5%) келиб чиққан ҳолда таъминлаш;

Марказий банк томонидан тижорат банкларига хорижий валюталарда гаровли кредитлар бериш йўли билан хорижий валютадаги кредитлар таклифини оширишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати асосида жалб этиладиган хорижий кредит линиялари ҳисобидан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг юқори чегарасига уларни жалб қилиш баҳосидан келиб чиққан ҳолда лимитлар белгилаш.

Саипова Малохат Латиповнанинг
"Педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва
коррекция қилишнинг илмий-методик имкониятларини
такомиллаштириш"
мазуидаги
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)
(19.00.06 - Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси)
диссертациясининг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

"Педагог шахсида макиавеллизмга мойилликни диагностика ва коррекция қилишнинг илмий-методик имкониятларини такомиллаштириш" мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Макиавеллизмнинг умумий моҳиятини талқин этишда асосан яқдиллик қайд этилса ҳам, унинг амалий ифодаси билан боғлиқ баъзи жиҳатлар юзасидан мунозалар ҳозиргача давом этиб келмоқда ва уни шахс хусусияти, ўзига хос шахс типи, хулқ-атвор стратегияси сифатида тавсифлаш ҳолатлари учрайди.

2. Турли муаллифлар макиавеллист шахс психологик портретини ишлаб чиқишга уринди ва бу борада айрим жиҳатлар бўйича ҳар хил ёндашувлар шаклланди. Кўп ҳолларда макиавеллист шахс бошқа одамга ҳиссий бефарқ ва унга муносабатда ахлоқий меъёрларга эътиборсиз одам сифатида тавсифланади.

3. Макиавеллизмга мойилликда ёш, жинс ва касбий мансубликка боғлиқ бўлган, шунингдек, шахс индивидуал-психологик хусусиятлари билан тақозоланган тафовутлар аниқланган.

4. Психологияда педагог шахсидаги манипулятив коммуникацияга мойиллик хусусиятини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар ўтказилган, аммо уларда макиавеллист ўқитувчидаги ушбу сифатни коррекция қилиш имкониятлари алоҳида тадқиқ этилмаган.

5. Педагогик стажи нисбатан кичик макиавеллист ўқитувчилар орасида ўқувчига манипулятив таъсир кўрсатиш учун ўз фазовий жойлашувини, нутқий фаоллигини ўзгартириш ҳамда шахсий имкониятлар чекланганини очиқ намоён этиш усулларида фойдаланишга мойиллик даражаси юқоридир.

6. Макиавеллизмга мойиллик даражаси юқори эркак ва аёл ўқитувчилар манипулятив таъсир мақсадида одатда қўллайдиган усуллар бир-биридан фарқланиб, эркак ўқитувчилар учун кўпроқ проксемика, кинояли ҳазил ва содда шантажга асосланувчи методлар, аёл ўқитувчиларга кўпроқ суҳбат жадаллигини кескин ўзгартириш, субъектив жиҳатдан эзгу деб қабул қилинаётган мақсадга эришиш воситаси сифатида ёлғондан фойдаланиш, шахсий имкониятлар чекланганини ошкора намоён этиш хосдир.

7. Ўқитувчининг ўзини, ўз салоҳияти ва имкониятларини тўлақонли намоён этишидек умумий ижобий ҳолатнинг асосий икки йўналиши, яъни унинг ўзига ва бошқаларга муносабатида ифодаланувчи ижобий кўрсаткичлар макиавеллизмга мойиллиги паст ўқитувчилар учунгина хосдир.

8. Шахслараро муносабатда макиавеллизмга мойиллиги юқори педагоглар орасида касбий меҳнатнинг дидактик натижаларига мўлжал олиш ҳолатлари унинг психологик маҳсулларига эътибор қаратиш вазиятларидан кўра юқори частотага эга.

9. Фаол коррекцион-ривожлантирувчи таъсир ёрдамида ўқитувчиларда педагогик фаолиятнинг психологик натижаларига мўлжал олиш хусусиятини кучайтириш уларнинг макиавеллизмга мойиллиги даражасини сусайтиришнинг самарали йўлидир.

10. Таълим муассасаларига янги педагогларни ишга олишда уларнинг макиавеллизмга мойиллик даражасини психодиагностик тестлар орқали аниқлаш ва бу кўрсаткични касбга лойиқлик меъзон сифатида киритиш тавсия этилади.

11. Диссертация тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган макиавеллизмга мойилликни ташхислаш ва коррекциялаш тренинг дастури асосида педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларидаги психологлар томонидан тренинглар ўтказиш тавсия этилади. Ушбу тренинг машғулотларида педагогларнинг шахслараро муносабатларда ҳамкорлик қадриятларини ривожлантириш, профессионал фаолиятда чин инсоний муносабатларни такомиллаштириш гоёсининг устувор бўлишига асосий урғу берилиши мақсадга мувофиқ.

Меҳмононов Султонали Умаралиевичнинг
"Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит
методологиясини такомиллаштириш"
мавзуидаги
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
(08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит)
диссертациянинг
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

1. Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудитни ташкил этишнинг хусусиятлари, шунингдек уларни Халқаро ҳисоб ва аудит стандартларида белгиланган талаблар даражасида такомиллаштириш йўллари илмий жиҳатдан асосланди ва улар молиявий ҳисоботлар ахборот имкониятларини кенгайтиришга ҳамда фойдаланувчилар учун аҳамиятлилигини оширишга хизмат қилади. Жаҳон амалиётида ички аудит хизматининг аҳамияти давлат харажатларининг молиявий назоратини таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан белгиланади.

2. Илмий-тадқиқот ишларида ички аудит тушунчасини қўллашда бюджет ташкилотларини хусусиятлари алоҳида ажратилмаган. Мавжуд илмий ёндашувлар назарий-услубий шарҳи ва амалиёти ўрганилиб ички аудитнинг бюджет ташкилотларига хос муаллифлик таърифи шакллантирилди: "ички аудит - ташкилот томонидан сметаларни тузиш ҳамда ижросини амалга оширишни қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш йўли билан назорат қилиш, молиявий ҳисобот маълумотларини

ишончлилигини таъминлаш, бюджет - смета интизомига риоя қилиш, маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишга йўналтирилган фаолиятдир".

3. Бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, фаразлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуи бўлиб, ҳисоб амалиётидаги мавжуд муаммоларни илмий-услубий ҳамда амалий ечимларини таъминлашга хизмат қилади.

4. Давлат молиясини бошқаришни ҳуқуқий асосларининг ислоҳ этиш жараёнида бюджет ташкилотлари счётлари таркиби ҳамда молиявий ҳисоботларини ахборот имкониятларини амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мослаштиришни талаб этади. Бу бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни шакллантиришни тартибга солувчи услубий қоидаларни норматив-ҳуқуқий асосларга мувофиқ-лаштириш тартибида амалга оширилади.

5. Марказлаштирилган бухгалтерия хизматида ҳисоб юритиш методологиясини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш бюджет маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланишга, хизмат кўрсатилаётган муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, уларни замонавий ускуна ва инвентарлар билан жиҳозлашга, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

6. Тадқиқот жараёнида амалдаги қонуний ҳужжатларга мослаштириш бўйича счётлар режасининг 26, 27 - счётларига ўзгартириш киритиш ҳамда ишчи счётлар режасини бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида ҳисоб маълумотларини шакллантиришга мослаштириш бўйича 01, 02, 03, 06, 09, 15, 16, 17, 28 - ишчи счётларини реструктуризация қилиш таклифи ишлаб чиқилди ва бу молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ишончлилиги ҳамда шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

7. Тадқиқот натижасида олий таълим муассасалари томонидан бириктирилган академик лицейлар учун ўқув лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ва уларни академ лицейга бериш ҳамда баланстан чиқариш ҳисобини юритиш тартиби ишлаб чиқилди. Бу тартибни жорий қилиниши олий таълим муассасалари ҳамда академ лицейларда моддий қийматликлар ҳисобини юритишда мавжуд муаммоларни илмий-амалий ечимини таъминламоқда.

8. Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларининг ишончлилигини таҳлил қилиш услуби шакллантирилди ҳамда қонунчилик талабларига мос молиявий ҳисобот шаклларига ўзгартириш киритиш, шунингдек солиқ имтиёзлари бўйича ҳисобот шакли таклиф этилди.

9. Тадқиқот натижасида Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларидан мамлакатимиз бюджет ҳисоби стандартларини шакллантириш, ҳисоб юритишни тўлиқ ҳисоблаш усулига мослаштириш, молиявий ҳисобот ахборот имкониятларини кенгайтиришда фойдаланиш йўллари белгиланди.

10. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти маблағлар сарфини режалаштириш, улар сарфи ҳисобини юритиш ҳамда фаолият самарадорлиги ҳолатини ўрганишга қаратилиши билан белгиланди. Бу ўз навбатида ички аудитни бюджет ташкилотлари фаолиятини тўлиқ қамраб олинишини таъминлайди.

11. Тадқиқот натижасида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари белгилаб берилди, ҳамда ички аудит хизмати ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни касбий тайёрлаш, малакасини ошириш ва сертификатлаш тартиби таклиф этилди.

Шунингдек ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳамда амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши давлат молиясини ислоҳ этиш жараёнида давлат секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш концепцияси, ҳамда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ашурова Насиба Батировнанинг
"Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш
механизмини такомиллаштириш"
мавзуидаги
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
(08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит)
диссертацияси

Тадақиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган назарий-услубий ҳамда амалий йўналтирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадақиқотнинг илмий янгилиги: солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини мақбуллаштиришда солиқ ҳисоботларини камерал назоратдан ўтказиш жараёнида тадбиркорлик субъектлари томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари тақдим этиш тартиби такомиллаштирилган;

тадбиркорлик субъектларининг ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан ички бозорни таъминлашдаги ролини ошириш ва ички бозордаги ушбу маҳсулотларга бўлган талабни қондириш мақсадида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича берилган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш зарурияти асосланган;

реал сектор корхоналарида солиқ имтиёзлари бўйича бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва маҳаллийлаштириш дастури бўйича берилган солиқ имтиёзлари ҳисоб сиёсатининг юритилиши натижасида маҳсулот таннархини пасайтиришга эришилган;

тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари тақдим этиш натижасида бўшаган маблағларни жамлаш ҳамда уларни зарур инвестиция миқдорида етгунга қадар келгуси даврга ўтказиш йўли билан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилашга йўналтириш таклифи асосланган;

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда қўшилган қиймат солиғининг хусусиятлари, уни ҳисоблаш усули ва бюджет даромадларини шакллантириш борасидаги илмий-назарий қарашлар бўйича мустақил муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадақиқот натижаларининг жорий қилиниши: Барқарор иқтисодий ўсишни

таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рақобатбардош юқори сифатли маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини тўйинтириш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида бандликни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатларини узайтириш юзасидан берилган таклифлар солиққа тортиш амалиётига татбиқ этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 26 июлдаги 16/1-15839-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2016 йил биринчи ярим йиллик маълумотларига кўра, республика бўйича берилган имтиёзлардан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 341 тага кўпайиб, 32,1 млн. сўм миқдордаги солиқ имтиёзлари сифатидаги қўшимча маблағларнинг мазкур субъектлар ихтиёрида қолдирилиши ва фаолиятларини ривожлантириш учун қайта инвестиция қилинишига замин яратган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларининг камерал назорат натижалари бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини топширишдаги масъулиятини ошириш юзасидан тафовутлар келиб чиққанда тафовутни юзага келиш асосларини ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш бўйича ҳуқуқни солиқ идораларига бериш таклифи амалиётга жорий этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 26 июлдаги 16/1-15839-сон маълумотномаси). Натижада аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда тақдим этмайдиган солиқ тўловчиларнинг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кескин камайиб, 288 тани ташкил этди. Ўз навбатида камерал назорат натижасида давлат бюджетига 128,0 млн. сўм қўшимча маблағлар тушумига эришилган;

хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шarti билан берилган имтиёзлар миқдорини жамлаш ҳамда жамланган суммани ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник ҳамда технологик янгилаш учун зарур инвестиция миқдорига етгунга қадар келгуси даврга ўтказиш таклифи амалиётга жорий этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 20 августдаги 16/1-086-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида корхона учун зарур бўлган янги техника ва технологияни ўзи хоҳлаган вақтда сотиб олиш имконияти яратилган;

маҳаллийлаштириш давлат дастури бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда таннархни пасайтиришга ва мақсади кўрсатилмаган солиқ имтиёзлари бўйича бўшаётган маблағлар ҳисобини юритишга доир амалий таклифлар иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарида амалиётга жорий этилган ("Navoiyazot" акциядорлик жамиятининг 2016 йил 10 июндаги 14-4011-сон ва "Шўртаннефтегаз" унитар шўъба корхонасининг 2012 йил 12 июндаги маълумотномалари). Натижада солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш ҳисобига ушбу корхоналар ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳажмининг тегишли равишда 273,0 млн. сўм ҳамда 32,4 млн. сўмга ошишига эришилган;

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда қўшилган қиймат солиғининг хусусиятлари, уни ҳисоблаш усули ва бюджет даромадларини шакллантириш борасидаги илмий-назарий қарашлар "Юридик шахсларни солиққа тортиш" фани бўйича дарсликка киритилган (15.08.2012 й.; №332/1). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда қўшилган қиймат солиғининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган.

Абдилакимов Гафур Абдихаликовичнинг
"Халқаро автомобиль транспорти ва коммуникацияларни
ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни бошқаришни
такомиллаштириш" мавзудаги
иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(08.00.13 - Менежмент) диссертацияси

Тадқиқотнинг мақсади: халқаро автомобиль транспорти ва коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: халқаро транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳалар самарадорлиги даражаси рентабеллик индекси, инвестициялардан фойдаланишни ички меъёри ва инвестицияларнинг қопланиш муддати орқали аниқлашда вақт омилига устуворлик берилиб, инвестицион бошқаришнинг иқтисодий-ташкилий механизмлари такомиллаштирилган;

инвестициялаш объектининг рақобат устунликлари, стратегик мақсадлари, қуввати, ушбу фаолиятни амалга ошириш муддатлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига мувофиқ тарзда лойиҳани капитал тузилмасини оптималлаштириш имкониятлари асослаб берилган;

корреляцион-регрессион услубиятдан фойдаланиб, халқаро транспорт тизимини ривожлантириш учун жалб этиладиган инвестицион қўйилмалар миқдори ва йўналишлари ҳамда логистик хизматлар динамикасининг ўзгариш қонуниятлари учинчи даражали полиноминал функция орқали боғланганлиги аниқланган, логистик хизматлар ва инвестициялар ҳажмини башорат қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

транспорт - логистик хизматларнинг ҳажмига мос халқаро йўналишларда эксплуатация қилиниши лозим бўлган автомобиль транспорти воситаларини танлаш, транспорт харажатлари, зарурий инвестициялар миқдорини аниқлашда инвестицияларнинг самарадорлик даражаси лойиҳадаги ноаниқликлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавфсизликни таъминлайдиган захираларни ҳисобга олиш услуби такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Халқаро автомобиль транспорти ва коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

халқаро транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳалар самарадорлиги даражаси рентабеллик индекси, инвестициялардан фойдаланишнинг ички меъёри ва инвестициянинг қопланиш муддати орқали аниқлашда вақт омилига устуворлик берилиб, инвестицион бошқаришнинг

иқтисодий-ташкилий механизмларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятига жорий этилган (Республика йўл жамғармасининг 2017 йил 30 ноябрдаги МА/03-1251-сон маълумотномаси). Ушбу такомиллаштирилган механизмни қўллаш натижасида йўл тизими инвестицион лойиҳаларини бизнес-режалари ва лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш инвестициялаш жараёнларининг лойиҳалаш циклини 15-20 фоизга қисқартиришга имкон берган;

инвестициялаш объектининг рақобат устунликлари, стратегик мақсадлари, қуввати, фаолиятни амалга ошириш муддатлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига мувофиқ тарзда лойиҳа капитал тузилмасини оптималлаштириш имкониятлари бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятига жорий этилган (Республика йўл жамғармасининг 2017 йил 30 ноябрдаги МА/03-1251-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши инвестициялаш объектининг қуввати, бажариладиган ишлар муддати, стратегик мақсади ва аҳамиятидан келиб чиқиб, лойиҳанинг капитал тузилмасини оптималлаштириш инвестицион қўйилмалар қийматини 2-3 фоизга (3100 млн. сўмга) тежалишини таъминлаган;

корреляцион-регрессион услубиятдан фойдаланиб, халқаро транспорт тизимини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестицион қўйилмалар миқдори ва йўналишлари ҳамда логистик хизматлар динамикасининг ўзгариш қонуниятлари учинчи даражали полиноминал функция орқали боғланганлиги, логистик хизматлар ва инвестициялар ҳажмини башорат қилиш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятига жорий этилган (Республика йўл жамғармасининг 2017 йил 30 ноябрдаги МА/03-1251-сон маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши автомобиль йўллари тизими тасарруфидаги ташкилотлар логистика хизматларига бўлган эҳтиёжини баҳолаш ва бошқариш аниқлигини оширган, транспорт харажати миқдорини 10-12 фоизга камайтирган;

транспорт - логистик хизматларнинг ҳажмига мос халқаро йўналишларда эксплуатация қилиниши лозим бўлган автомобиль транспорти воситаларини танлаш, транспорт харажати ва зарурий инвестициялар миқдорини аниқлашда инвестицияларни самарадорлик даражаси лойиҳадаги ноаниқликлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавфсизликни таъминловчи захираларни ҳисобга олиш услубини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятига жорий этилган (Республика йўл жамғармасининг 2017 йил 30 ноябрдаги МА/03-1251-сон маълумотномаси). Ушбу услубни амалиётга жорий этиш натижасида халқаро йўналишларда эксплуатация қилинадиган транспорт воситаларини лизинг шартлари асосида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган MAN TGS 19.400 автомобилни сотиб олиш эксплуатацион харажатларни 15-16 фоизга камайишини таъминлаган.

ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам
Умурзакова Сардора Уктамовича
"Совершенствование процессов оптимальной организации
функционирования интегрированных информационных систем
органов казначейства"
(08.00.14 - Информационные системы и технологии в экономике)

В результате осуществленных исследований в диссертационной работе получены следующие выводы и предложения:

1. Система казначейского исполнения государственного бюджета становится одним из важнейших факторов экономического роста во всем мире. В процессе настоящего диссертационного исследования нами была изучена экономико-информационная среда органов республиканского казначейства, осуществляющих бюджетное финансирование предприятий и организаций единой отраслевой принадлежности, подтверждена необходимость построения и реализации системы многоуровневой распределенной обработки финансово-экономической информации.

2. Следует констатировать, что с обретением независимости Республике Узбекистан досталась технологически отсталая и малоэффективная система управления государственными финансами, построенная на почтовой системе проведения платежей на основе бумажных документов. Лишь к 2006 году была повсеместно внедрена современная система с высоким уровнем централизации и консолидации данных. Эффективность взаимодействия субъектов экономических отношений повысилась за счет создания единой национальной банковской платежной системы, а это, в свою очередь, значительно ускорило сроки проведения операций, а также позитивно отразилось на возможности получения с задержкой до одного дня остатков средств на счетах поступления доходов бюджета, что, в частности, улучшило достоверность данных, необходимых для анализа поступления и прогнозирования доходов.

3. Исследования показали, что только с внедрением ИИСК и созданием централизованной системы обработки и хранения данных казначейских операций возникла возможность организации предварительного контроля и анализа исполнения бюджета по регионам и, даже, по каждой удаленно бюджетной организации, что ранее было вероятно лишь после отчетного периода.

4. На основе проведенных исследований можно сказать, что благодаря интегрированной информационной системе значительно вырос объем данных, ежедневно обрабатываемых органами казначейства. Исходя из этого, очевидно и назрел переход от автоматизации отдельных частей в исполнении функций по кассовому обслуживанию исполнения бюджетов всех уровней о всеобъемлющему комплексному решению в общем аспекте автоматизации данных функций, а также к созданию единого информационного центра, чем и призваны были стать ИИСК.

5. Практика показала, что в деятельности органов казначейства важнейшая составляющая - это системы технологических регламентов исполнения функций

республиканского казначейства и закрепление ролей по технологическим регламентам за конкретными сотрудниками, несущими персональную ответственность за решение вопросов по кассовому обслуживанию исполнения бюджетов. На наш взгляд, именно это может обеспечить эффективность автоматизации, ибо хаос при решении каких-либо вопросов и функций не может благоприятствовать решению задач эффективности автоматизации, которая, в свою очередь, создает возможности для значительного роста общей эффективности и оптимизации деятельности по исполнению возложенных функций.

6. В процессе исследования разработана методика проектирования системы многоуровневой распределенной обработки финансово-экономической информации, в соответствии с которой были построены модели и алгоритмы, что позволило выявить топологию сети, распределить вычислительные работы и информационные массивы по уровням обработки и узлам сети. Это обеспечивает оптимальную организацию распределенной обработки финансовых данных органов казначейства страны.

7. На основе проведенного анализа формирования и развития казна-чейского исполнения бюджета страны построили концептуальную модель информационной среды органов республиканского казначейства с акцентом на информационное моделирование системы многоуровневой распределенной обработки финансово-экономической информации, что способствовало адекватному отображению реального процесса функционирования данной системы с учетом ее взаимодействия с информационной средой.

8. Благодаря внедрению интегрированной информационной системы была значительно повышена эффективность работы в части бюджетного учета и отчетности по операциям бюджетов за счет централизации бюджетного учета, на уровне управления республиканского казначейства сократились трудо- затраты, связанные с ведением бюджетного учета операций по исполнению республиканского бюджета и кассовым обслуживанием исполнения бюджетов субъекта страны.

9. В рамках концепции электронного правительства страны автоматизированная интегрированная информационная система казначейства может и должна стать ядром для создания государственной информационной системы, поскольку ее потенциал, объем и актуальность хранящихся данных а также информационная инфраструктура, созданная республиканским казначейством, позволяют значительно расширить масштаб использования ИИСК и рассмотреть ее в качестве основы системы управления государственными финансами.

10. Глубокое и тщательное изучение данной темы показало, что внедрение системы казначейского исполнения государственного бюджета весьма позитивно повлияло на экономику республики, в связи с чем был коренным образом пересмотрен принцип работы системы исполнения государственного бюджета с учетом изменения процессов и распределения обязанностей, а также создания прозрачной системы вертикального контроля. Наряду с этим, внедрение ИИСК послужило дальнейшему развитию ИКТ в стране за счет необходимости в прокладке оптоволоконного кабеля до всех областных и районных центров республики.

ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ
диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам
Курбанбаева Сагита Ережеповича
"Совершенствование методов эффективного управления водными ресурсами в дельте реки Амударьи"
(11.00.03 - Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия)

На основе исследований проведенных по теме диссертации доктора философии (PhD) на тему "Совершенствование методов эффективного управления водными ресурсами в дельте реки Амударьи" приведены следующие выводы:

1. На основе результатов усовершенствованных методов эффективного управления и гидрологической модели по управлению водными ресурсами дельтового комплекса Амударьи установлено:

- на первом этапе с учетом современного состояния дамб указанных выше трех водоемов и пропускной способности каналов и гидротехнических сооружений установлено, что они способны принять только 619,0 млн. м³ га объема воды и излишняя вода, подаваемая через гидропост Саманбай сбрасывается в осушенное дно моря;

- на втором этапе после завершения строительства и реконструкции дамб на водоемах и на каналах Главмясо и Маринкин их вместимость можно довести до 1169,5 млн. м³. В результате можно получить дополнительный объем воды для водоемов дельты в размере 550,0 млн. м³;

2. По результатам гидрологической модели по управлению водными ресурсами установлено, что в многоводные годы (2010 г.) при подаче воды через Тахиаташский гидроузел (с учетом составляющих баланса: суммарное испарение, осадки, фильтрационные и русловые потери) от общего объема притока в Междуреченское водохранилище, равного 16817 млн. м³, объем полезно используемой воды равен 619,0 млн. м³, а объем безвозвратного сброса воды (открытие северной дамбы Междуреченского водохранилища в сторону осушенного Аральского моря) равен 12102,2 млн. м³. В результате создается возможность увеличения объема воды в водоемах.

3. Согласно расчетам установлено, что после осуществления намечаемых мероприятий (реконструкция дамб, каналов) максимальная вместимость этих крупных водоемов (Междуречье, Рыбачье и Муйнак) равна 879,3 млн. м³. В результате создается возможность бесперебойного обеспечения речной водой населения, проживающего в регионе для питьевых и хозяйственных нужд.

4. Что касается Правобережной и Левобережной зон водоемов, которые питаются коллекторной водой с минерализацией до 6 г/л (коллектора КК-3, КС-1 и ККС) на основе анализа многолетних данных установлено, что с каждым годом повышается их минерализация, ухудшается качество воды и снижается их продуктивность и в целях частичной реабилитации этих водоемов периодически, особенно в невегетационный период, необходимо обеспечить подачу пресной воды из реки и каналов, в результате создаются условия для их дальнейшего освоения.

5. Соискателем выдвигается предложение о создании новой организации - Ассоциации водопотребителей (АВП) дельты Амударьи, в функцию которой вменяется совершенствование системы управления и эксплуатации водных ресурсов, восстановление природного и социального экономического потенциала дельты. В настоящее время каждая отрасль, функционирующая в дельте, занимается своими прямыми обязанностями, и подчиняются они разным ведомствам и министерствам. Таким образом, отсутствует единая система управления природно-хозяйственным комплексом, которые не имеют между собой связи, что в конечном итоге приводит к нерациональному использованию и истощению природных ресурсов.

Предлагаемая организация в качестве единой управляющей системы природно-хозяйственным комплексом дельты открывает возможности для эффективного управления водными ресурсами.

6. Проведено районирование дельты реки Амударьи по приоритетности их дальнейшего освоения, учитывая важность каждого водоема составлена очередность подачи воды в них, а также дана оценка продуктивности водоемов на сегодняшний день, при этом они разделены на 3 зоны:

- Приамударьинская зона (водоемы: Междуречье, Рыбачье и Муйнак) относятся к перспективным зонам для дальнейшего освоения.

- Правобережная зона (водоемы: Жилтирбас, Каратен) считаются бесперспективными без подачи пресной речной воды.

- Левобережная зона (система озер Судочье, Агушпа, Каратерен), которые питаются в основном коллекторной водой, также считаются бесперспективными для дальнейшего освоения.

7. В заключении можно отметить, что в ближайшие годы и на перспективу приток большого объема воды в дельту не ожидается. В этих условиях (при наличии воды) у водоемов, которые расположены в Приамударьинской зоне (Междуречье, Рыбачье, Муйнак) есть большие перспективы на нормальное существование, а в остальных водоемах (Судочье, Жилтирбас), которые существуют на коллекторной воде с каждым годом ухудшается качество воды в них, и они в ближайшее 15-20 лет, без подпитки речной водой могут потерять свое народнохозяйственное значение. Принимая во внимание указанную выше очередность подачи воды, а также усовершенствованные на основе гидравлических параметров дельтового комплекса методы управления водными ресурсами создают возможность бесперебойного обеспечения водой этих водоемов в нужном объеме и качестве.

ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам
Иноятова Умидбека Улугбековича
"Анализ статистических методов деятельности регионального
предпринимательства" (на примере Ташкентской области)
(08.00.06. - Эконометрика и статистика)

В результате проведенного исследования были сделаны следующие выводы:

1. Определено, что предоставляемые в области услуги имеют высокую корреляционную связь с ВРП (0,98). Кроме того, увеличение объема услуг положительно влияет на количество действующих в области малых предприятий и микрофирм, а рост объема услуг на один процент обеспечивает увеличение количества малых предприятий и микрофирм на 0,25%.

2. При разработке статистических моделей, отражающих особенности развития регионального предпринимательства, необходимо использовать системный подход, структуру которого составляют: статистический анализ в разрезе региональных проблем (районных, отраслевых и предпринимательских); статистическая оценка эффективности деятельности и выбор статистической методики для обоснования приоритетных направлений; определение порядка применения статистических моделей. Важную роль в этом играют многофакторные регрессионные модели и комплекс алгоритмов, применяемых в отображении и регулировании тенденций развития регионального предпринимательства (статистическая классификация, оптимальная группировка, статистическая оценка эффективности, многовариантное по этапное статистическое прогнозирование). Необходимо обратить внимание на координацию сценария для всех статистических методов, применяемых при систематическом подходе.

3. Для обеспечения устойчивого развития субъектов регионального предпринимательства необходимо: повышение эффективности производства за счет интенсивных факторов и передовых форм производства; размещение филиалов и отделений крупных национальных и зарубежных компаний в целях развития региональной предпринимательской деятельности; ориентирование деятельности регионального предпринимательства в городах и районах на производство товаров народного потребления; снижение различий в развитии регионального предпринимательства между городами и районами и т. д.

4. В долгосрочной перспективе необходимо обратить внимание на следующие ключевые факторы развития промышленности области: реализация целевых программ; создание новых предприятий в сфере легкой промышленности и производство готовой продукции; организация новых предприятий в сфере переработки сельскохозяйственной продукции и обеспечение рынка местной продукцией; увеличение объема производства товаров народного потребления; развитие индустрии строительных материалов; увеличение доли совместных предприятий в отрасли; переработка местного сырья; расширение масштабов экспорта производимой продукции и др.

5. Сельское хозяйство является одним из ключевых направлений развития регионального предпринимательства. 94,9% всего продукта, произведенного в

отрасли, составляют долю субъектов МБЧП. Учитывая потенциал отрасли, развитие субъектов частного предпринимательства, занимающегося переработкой, хранением и транспортировкой сельскохозяйственной продукции, рассматривается как новое направление в развитии регионального предпринимательства.

6. Установлено, что в области основными отраслями, влияющими на развитие МБЧП, являются сельское хозяйство и строительство. Согласно результатам проведенного анализа, тенденция развития МБЧП в этих отраслях к 2020 году обеспечит увеличение доли МБЧП в ВРП 62,3% и доли отрасли в занятости до 78,9%.

7. В ходе исследования в целях совершенствования методологии статистического прогнозирования социально-экономического развития региона была указана необходимость решения следующих задач: важность научного обоснования целей, вариантов и параметров развития региона, учета тенденций и закономерностей развития, способных оказать объективное воздействие на процесс, группировку особенностей перспективного развития рынка товаров и услуг, рынка труда и средств производства, а также рынка капитала и финансового рынка.

ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ

**диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам
Рахимовой Индиры Игорьевны**

**"Психологические особенности зависимости от компьютерных игр"
(19.00.06 - Возрастная и педагогическая психология.
Психология развития)**

Основываясь на анализе теоретических знаний, касающихся проблемы зависимости от компьютерных игр и результаты эмпирического исследования, считаем уместным формировать следующие выводы:

1. При изучении особенностей отношений, свойственных системе "человек-компьютер", общего и двух основных подходов, а именно основанного на рассмотрении компьютера как средство деятельности, и выделив компьютера как партнера в деятельности сотрудничества, определили, что в современных медицинских и психологических исследованиях компьютерная зависимость рассматривается как один из видов нехимической аддикции.

2. В изучении зависимости от компьютера по содержанию можно выделить два основных подхода - физические и психические расстройства, возникающие при зависимости от компьютера, и подход, направленный на определение медицинско-психологических факторов, создающих почву для развития зависимости от компьютера, а также считать, что с точки зрения психопрофилактики и психокоррекции зависимости от компьютерных игр исследования в направлении изучения психологических особенностей, свойственных аддиктам, являются перспективными. Проведенные исследования в данном перспективном направлении показали, что несмотря на то, что они дают возможность определить общую картину зависимости от компьютерных игр в психологии личности, они с точки зрения возрастных особенностей на сегодняшний день не были дифференцированы.

3. Согласно результатам эмпирического исследования, компьютерные игры создают условия для освоения учебных навыков и развивают умственную деятельность. Стимулируют активность познания. Развивают мотивационную сферу и оказывают положительное воздействие на формирование таких качеств, как принятие себя и самоуважение. Однако, у детей младшего школьного возраста в условиях наличия сложностей в общении с ровесниками, преподавателями и родителями формируется зависимость от компьютерных игр. Выявили, что у детей младшего школьного возраста компьютерные игры становятся компенсацией для удовлетворения таких ведущих потребностей, как социальная идентификация, способности и самостоятельное принятие решений. Имеются все основания утверждать, что младший школьный возраст (10-11 лет) является сензитивным периодом для формирования зависимости от компьютерных игр.

